

Кўпроқ ойлик тўлашларини талаб этишга ҳаққим борми?



16:00 / 10.03.2020 4877

Савол:

Мен бир ташкилотда ишлайман. Ўша ташкилотнинг тушумлари юқори даражада, лекин назаримда менга кам ҳақ тўлашяпти. Ношукр эмасман, аммо кўпроқ ойлик тўлашларини талаб этишга ҳаққим борми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бундай ҳолатларда одатда иш берувчи тараф билан ишчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Ишчининг қиладиган ишлари ҳажмига қараб иш берувчи билан тузилган шартномада ойликнинг қанча бўлишига келишилади. Бу икки тарафнинг розилиги билан бўлади. Лекин ташкилотнинг бойлиги ёки камбағаллиги шарт қилинмаган.

Аммо йиллар ўтиши билан, иш ҳажми ошиб ёки имкониятлар кўпайса, ойликни оширишни талаб этиб, илтимос қилиш айб эмас. Балки икки тарафнинг аҳиллиги билан бу иш амалга оширилса яхши бўлади. Аллоҳ таоло мана шу айтган нарсаларимизни тўғри тушуниб, амал қилишни насиб этсин. **Валлоҳу аълам.**

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан